

Конференция: “Ўсмир қизлар ўртасида ижтимоий хавфларни олдини олиш: муаммо ва ечимлар”

Марғилон шаҳридаги Ижодкорлар мактаби мажлислар залида Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси томонидан шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда “Ўсмир қизлар ўртасида ижтимоий хавфларни олдини олиш: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги Республика илмий амалий конференцияси ўтказилди.

Конференцияда Реабилитация ва мослаштирув маркази Фарғона вилоят бўлими раҳбари Жамилахон Аҳмедова, шаҳар ҳокими ўринбосари Гулнорахон Жўрабоева, Марғилон шаҳар “Оқила аёллар” ҳаракати аъзоси Назира Расурова ҳамда қатор ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Илмий-амалий конференция давомида сўз олганлар ўсмир қизлар ҳаётига оиласи муносабатларнинг таъсири, эрта турмушнинг салбий томонлари, қизларнинг ҳаёти давомида учрайдиган зўравонниклар турлари, уларни олдини олишдаги муаммолар ва ечимлар борасида сўз юритишиди.

Ўсмир ёшдаги қизларимиз учун чинакам билимлар манбайига айланган конференцияда масзуға оид қизиқарли ва албатта фойдали бўлган мастер-класслар ҳам ўтказилди.

2023-11-27 17:37:11